




Клястероспориоз касаллиги билан ўрик навларининг зарарланиш даражаси, %.

ниши 18,4 %, новданики эса 14,2 % ва мева эса 22,4 % га зарарланди. Касалликни ривожланиши баргда 10,1 %, новдада 7,2 % ва мевада эса бу кўрсаткич 8,8 % да бўлишлиги

аниқланди. Ўрикнинг “Курсодик” навида клястероспориоз билан баргда 16,6 %, новдада 12,2 % ва мевада 19,4 % зарарланиш аниқланди ва унинг ривожланиш кўрсаткичлари тегишли равишда 9,3, 6,5 ва 7,9 % ларда тадқиқот натижасида қайд этилди.

Ўрикнинг клястероспориоз касаллиги билан зарарланиши ва касалликни ривожланиши табиий шароитга, дархтнинг парваришlash технологиясига, шу билан бирга унинг навида ҳам боғлиқлиги аниқланди. Фикримизча, касаллик билан зарарланиш даражаси ва унинг ривожланиши навларнинг биологик ва генетик хусусиятига боғлиқ.

Хулоса. Ўрикнинг барги, новдаси ва мевасига клястероспориоз касаллиги жиддий зарар келтиради. Касаллик билан зарарланиш ва унинг ривожланиш даражаси “Наврўз”, “Советский”, “Юбилейный Навои”, “Курсодик” навларида турлича бўлишлиги аниқланди. Касаллик билан нисбатан “Курсодик” ва “Советский” навлари кам зарарланиши аниқланди. Ушбу маълумотларни касалликка қарши курашда фойдаланиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бойжигитов Ф.М., Хакимов А.А. Некоторые биоэкологические особенности возбудителей клястероспориоза и монилиоза // Бюллетень науки и практики, 2018, т.4, №12, с. 268-272.
2. Анатов Д.М., Османов Р.М. Оценка коллекции абрикоса горного ботанического сада ДНЦ РАН по устойчивости к клястероспориозу (*Clasterosporium caryophyllum* (Lev) Aderh.) в горных условиях Дагестана // Труды Кубанского государственного аграрного университета, 2019, №80, с.31-35.
3. Jones, A. Control of Clasterosporium Schw. with a new hydautoin fungicide mixtures / A. Jones // Plant Dis. Reporter. 1975. - N2 49. - P. 117 -120.
4. Leve, V.C. Diseases of fruit crops / V.C. Leve, V.N. Pathak // Indian Phytopathology. 1979. - Jfs 4. - P. 663 - 664.
5. Хохрякова Т.М., Минкевич И.И. Методические указания по применению фитопатологических способов оценки устойчивости плодово-ягодных культур к возбудителям грибных болезней // Москва.: ВИИ защита растений, 1968, с.98.
6. Хохрякова Т.М., Вольвач П.В., Минкевич И.И. Методические указания по ускоренной оценке устойчивости плодовых культур к грибным заболеваниям // Ленинград.: ВИИ защита растений, 1971, с.44.
7. Чумаков А.Е., Удинцов П.С. Методические указания по влиянию и учету основных болезней сельскохозяйственных культур // Москва.: Колос, 1975, с.67.
8. Минкевич, И.И. Материалы по изучению клястероспориоза косточковых культур в Азербайджанской ССР / И.И. Минкевич, В.И. Потлайчук // Труды/ Всесоюз. ин-т защиты растений. -1966.-Вып. 28- С. 20-21.
9. Методические указания по оценке сравнительной устойчивости плодово-ягодных культур к основным заболеваниям. Л., 1968 - 15с.

УЎТ: 635.61: 632.7: 632

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ

Хўжаев Шомил Турсунович, профессор

Солиев Шамсиддин Одилжон ўғли, докторант

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти

Аннотация: В статье изложены материалы по эффективной защите бахчевых культур от комплекса сосущих и грызущих вредителей с помощью современных инсектицидов.

Ключевые слова: Дыни, арбузы, вредители, тли, трипс, озимая совка, бахчевая коровка, дынная муха, инсектициды, эффективность.

Қовун ва тарвуз каби полиз экинлари ҳосилига юртимизда талаб катта эканлиги сир эмас. Бу ҳосилларни етказиш катта ҳаракатлар эвазига юз беришини ҳамма ҳам тасаввур этмаса керак. Фақатгина юқори агротехника ва ўсимликларни турли зарарли организмлардан ҳимоя қилибгина мўлжалдаги ҳосил ва унинг сифатига эришиш

мумкин. Бу мақолани биз қовун ва тарвуз экинлари билан озиқланишга мослашган зараркунандалар ва уларга қарши курашда замонавий усул ва воситаларни ишлатишга бағишладик.

2020-2021 йилларда Сирдарё ҳамда Сурхондарё вилоят далаларида ўтказган кузатув ва тадқиқотларимиз

шуни кўрсатдики, қовун ва тарвуз ниҳолларини шира ва трипс каби сўрувчи, кузги тунлам ва симқуртлар каби кемирувчи, ҳамда айрим ҳудудларда (Сирдарё вилоятининг шимолий-шарқ минтақаларида) кўпоёқли “мокрицалар” зарарламоқда. Ҳимоя ишловлари ўтказилмаган ерларда полиз экинларининг барглари бужмайиб, ўсимлик ривождан орқада қолади, мокрица ва бошқа кемирувчи зараркунандалар эса ниҳолларни қуриб қолишига ҳам сабабчи бўлади.



1



2



3

1. Катта майдонларга экиладиган полиз экинларини трактор юрадиган қилиб экиш;

2 – тамаки трипси қовун баргиди;

3 – эпипляхна қўнғизининг личинка (қуртлари).

Зарарни олдини олиш учун ушбу зараркунандаларнинг ривожлана бошлаши билан кимёвий ишлов ўтказишга тўғри келади. Йирик майдонларга экилган полиз экинларини ОВХ русумли ҳаво оқими ёрдамида ишлов ўтказадиган трактор пуркагичларидан фойдаланган маъқул. Аммо бунинг учун трактор полиз оралаб юришига шароит яратиш яъни экин экишдан олдин уни режалаштириб йирик “пол” ариқлар қолдириш мақсадга мувофиқдир (расмни қаранг). Пуркагичли трактор бундай ораликдан юриб ҳар иккала томонга қараб 40-50 метргача ишчи эритмасини пуркаши мумкин. Энг юқори самара қуйидаги инсектицидларни ишлатганда олинди: Энжео – 0,2 л/га, Багира – 0,2 л/га, Каратэ – 0,3 л/га, Моспилан – 0,3 кг/га, Нурелл-Д – 1,0 л/га.

Кейинчалик, ўсимликлар палак ёзиб, гуллаб, ҳосил бера бошлаганидан кейин, уларда полиз ва акация ширалари ҳамда қадимлардан маълум полиз қўнғизи – эпипляхна ва янги пайдо бўлган қовун пашшаси зарарлай бошлаши мумкин. Булар орасида энг кучли ҳавфни қовун пашшаси-

дан кутиш мумкин. Чунки унинг зарари энг юқоридир. Бир мавсумда 3-4 авлод бериб ривожланувчи бу пашша сохта пилла ичида, тупроқ орасида қишлаб чиқади. Ташқарига чиқиши одатда, апрел ойининг охириларига тўғри келади.

Қўшимча озиқланиб оталангач, урғочи зотлар изғиб қовун палагини топади ва эндигона пайдо бўлган ҳамак меваларнинг пўстини тешиб ичкарига ярим ботган тухумларини қўяди. Тухумдан очиб чиққан қурт қовун ўртасига қараб ҳаракатланади ва у ерда 15-23 кунда вояга етиб орқага қайтади ва ташқарига тушиб тупроқ орасида ғумбакланади. Қуртларнинг бир қисми шу ернинг ўзида, яъни қовуннинг уруғ боғлаган қисмида ғумбакка айланиши мумкин. Бунда улардан учиб чиққан етук зот – пашшаларнинг кўп қисми ташқарига чиқа олмай қирилиб кетади. Шикастланган мева турли микроорганизмлар таъсирида чирий бошлайди, ундан қўланса ҳид бурқсийди. Албатта барча зарарланган мева ҳам чиримайди. Бу – тирик жисм бўлгани учун курашади, қурт кирган жой чандиқ бўлиб қолиб қурт сиқилиб ўлган бўлиши ҳам мумкин, аммо кўпчилик қурт ўзини хунук ишини бажаришга мувофиқ бўлади. Юқоридаги ахборотни ҳамда қовун пашшасининг қуртига қарши курашиб бўлмасликни инobatга олиб, бу ҳашаротга қарши курашни унинг етук зоти – пашшаси тухум қўйиш даврига мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу мақсадда биринчи ишловни қовун-тарвуз гуллаб, янги шона (ҳамак) ҳосил қилиши билан бошлаш маъқулдир. Бу мақсадда ҳаво оқимида таянган ОВХ-28 ёки моторли осма қўл аппарат-лари билан ишлов бериш самаралидир. Сабаби майда томчиларга айланган заҳарли эритма етук зотни тезда ўлишига сабабчи бўлади.

Тажрибаларимизда бунинг учун қуйидаги имагоцид до-риллар яхши самара берди: диптерекс – 1,5 л/га, карбофос (фуфанон) – 1,0 л/га, энжео – 0,2 л/га, багира (конфидор) – 0,25 л/га, моспилан (камелот) – 0,3 кг/га, нурелл-Д – 1,0 л/га, проклеим – 0,3 кг/га ва б.

Қовун пашшасига қарши навнинг ўрта ва кечпишарли-гига қараб, бир мавсумда 4-5 марта ишлов беришга тўғри келади (ҳар 15-20 кунда бир). Бунда бирийўла бошқа зараркунандалар ҳам қирилиб кетади.

Шундай қилиб, фақатгина ўз вақтида ва сифатли ўтказилган ҳимоя ишловларигина қовун-тарвуз ва бошқа зарарланадиган полиз экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилиб мўлжалдаги ҳосилни олишга имкон бериши мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хўжаев Ш.Т. (тахрири остида) Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент: “Узинформапропром”, 2004. – 102 б.
2. Хўжаев Ш.Т., Ғоимов Р. Полизни зараркунандалардан ҳимоялаш // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – 2012. - №8. – Б.17.
3. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари (IV нашр). – Тошкент: Янги нашр, 2019. – 375 б.
4. Хўжаев Ш.Т. Ҳашарот ва ҳаёт // Агрокимё ҳимоя ва ўсимликлар ҳимояси – 2020. - №2. – Б. 4-5.
5. Қовунни зарарли организмларига қарши уйғунлашган кураш тизимида бошқариш (IPM) илмий-амалий қўлланма / Тузувчилар: Ш.Т.Хўжаев, А.А.Ҳакимов, Н. Хусенова. – Тошкент, 2022. – 63 б.
6. Тарвузни зарарли организмларига қарши уйғунлашган кураш тизимида бошқариш (IPM) илмий-амалий қўлланма / Тузувчилар: Ш.Т.Хўжаев, А.А.Ҳакимов, Н. Хусенова. – Тошкент, 2022. – 67 б.
7. Ғоимов Р., Хўжаев Ш.Т. Полиз экинларида эпипляхнанинг зарари / Илмий -амалий анжуман маърузалар тўплами (УзПИТИ, 3-5.XII. 2012 й.).-Тошкент, 2012.-445-448 б.

КЎЧАТИДАН ЭКИЛГАН ПИЁЗ ДАЛАЛАРИДА БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАДБИРЛАРИ

Камолидин Шарифов, мустақил изланувчи

Шухрат Ризаев, қ-х.ф.д., доцент

ТошДАУ Самарқанд филиали

Аннотация. В статье изложены данные о снижении количества однолетних сорных растений до 85,2 – 96,7% и многолетних – до 67,7-78,6%, получении товарных урожаев лука в размере 73,6 – 74,4 т/га при внесении гербицида Селект 120 КЭ, действующим веществом которого является клетодим, в норме 0,5 – 1,0 л/га в фазе 3-4 настоящих листьев лука и зяблевой вспашки на глубину 30-35 см.

Annotation. The article presents data on the reduction in the number of annual weeds to 85.2 - 96.7% and perennial weeds - to 67.7-78.6%, obtaining commercial onion crops in the amount of 73.6 - 74.4 t/ha when applying herbicide Select 120 KE, the active ingredient of which is cellodim, at a rate of 0.5 - 1.0 l / ha in the phase of 3-4 true onion leaves and autumn plowing to a depth of 30-35 sm.

Республикаимизда кейинги йилларда пиёз кўчатидан кенг майдонларда экиб етиштирилмоқда. Бу усулда гектар ҳисобида кетадиган уруғ сарфи 3-4 марта камайиб, ўтоқ ва ягана қилишга маблағ ва иш кучи кам сарфланиб, 2-3 марта кам суғоришлар ҳисобига сув тежалиб, тўлиқ кўчат олиш имконияти яратилади [3]. Шунинг билан бирга, пиёз кўчатининг апрелда ерга ўтқазилиши (бегона ўтларни униб чиқиши учун қулай шароит яратилиши натижасида) баҳорги бегона ўтлар билан кучли зарарланишига ҳам олиб келади. Бунда оддий шароитда ерга ишлов бериш чуқурлиги ва усулларини қай даражада ўтқазилиши муҳим ҳисобланади [4].

Илмий тадқиқотларимиз Тойлоқ тумани ўтлоқ- бўз тупроқларида 2017-2020 йилларда пиёз кўчатидан парваришlashда бегона ўтларга қарши тупроққа ишлов бериш усуллари ва турли гербицид меъёрларини таъсирини ўрганишга қаратилиб, дала тажрибалари 10 та вариант, 3 такрорликда умумқабул қилинган услубларда ўтқазилди [1,2].

Дала тажрибаларимизда кўчатидан пиёз етиштиришда бегона ўтларга қарши агротехник ва кимёвий тадбирларни самарадорлигини аниқлаш мақсадида шудгорлашдан олдин (2017 й) ўрганилганда ўртача 1 м²да: бир йиллик, бир паллалилар: шамак, мастак -5-9; қуён арпа 1-9; ялтирбош -3-6; ёввойи сули, оқ итқуноқ 3-8 дона, икки паллалилар: олабута -6-10; ёввойи гултожихўроз, бурган-2-5; оқ шўра-5-8; оддий қўйткан -1-6 ва бошқалар 2-5 донани ташкил этган бўлса, кўп йиллик бир паллалилар ажриқ ва буғдойиқ 1-3 дона, икки паллалилар: отқулоқ-1-3 дона ва қўйпечак -1-5 донадан мавжудлиги ҳисобга олинди. Тадқиқотларимизда 2019 йилда шудгорлашдан олдин бегона ўтлар сони аниқланганда, ер кузда шудгорланмай, экиш олди тупроқ юза 18-22 см чизелланиб пиёз кўчати экилган вариантларда, бир йиллик бегона ўтлар дастлабки (2017 й) кўрсаткичларга нисбатан 10-24 (54-81) донига, кўп йилликлар 2-4 (9-13) донига кўпайганлиги қайд этилди.

Маълумотларга кўра, асосий ишлов шудгорлаш 30-35 см ўтқазилган вариантларда бегона ўтларни ўсиши, ривожланиши ва уруғларнинг чуқур қатламга тушиб, униб чиқишига салбий таъсир этиши натижасида, кейинги йилларда ушбу вариантларда бегона ўтлар миқдори сезиларли камайганлиги аниқланди. Масалан, тажриба майдонида гербицидлар қўллашдан олдин, тупроққа юза чизеллаш 18-22 см ишлов берилганда бир йиллик бир ва икки паллали бегона ўтлар жами 1 м²да ўртача 62,2-78,0 дона, кўп йилликлар 8,6-11,7 дона мавжудлиги аниқланиб, бу кўрсаткичлар шудгорлаш 30-

35 см ишлов берилган вариантларда, бир йилликлар тегишлича, 22,4-30,1; кўп йилликлар 6,6-7,9 донига кам бўлганлиги ҳисобга олинди.

Дала тажрибаларимизда пиёз кўчатидан экилган майдонларда гербицидлар қўлланилгандан 30 кун ўтгач самарадорлиги ўрганилганда (1-жадвал), ўртача уч йилда (2018-2020 йй) тупроққа юза (чизеллаш 18-22 см) ишлов берилган, гербицидсиз назорат вариантда бир йиллик, бир паллалилар: шамак, қуён арпа, ялтирбош, мастак, ёввойи сули, оқ итқуноқ -4,3-10,8 дона/м², икки паллалилар: оқ итқуноқ, олабута, ёввойи гултожихўроз, оқшўра, оддий қўйткан, бурган 3,0-10,6 дона/м², кўп йилликлар ажриқ, буғдойиқ 1,6-3,3; қўйпечак, отқулоқ 2,6-4,0 дона/м² ни ташкил этган бўлса, таркиби оксифлуорфен Гоал 2 Е. зм.к. гербициди 0,5-1,0 л/га меъёрлари бир йиллик, бир паллалиларни мос равишда 26,7-33,2; 28,9-36,9%, икки паллалиларни 83,2-87,4; 86,5-89,5% нобуд қилиб, кўп йиллик икки паллали отқулоқ, қўйпечакга самарадорлиги кам бўлиб (39,7-44,3; 43,8-45,5%), бир паллали ажриқ, буғдойиққа таъсир этмаганлиги қайд этилди.

Тупроққа юза (чизеллаш 18-22 см) ва чуқур (шудгорлаш 30-35 см) ишлов берилиб, таркиби клетодим бўлган Селект 120 КЭ гербицидини 0,5-1,0 л/га меъёрлари бир ва кўп йиллик, бир паллали бегона ўтларга самарадорлиги жуда юқори бўлганлиги қайд этилди. Масалан, тупроққа юза ишлов берилиб, Селект 120 КЭ 0,5-1,0 л/га қўлланилган вариантларда шамак, қуён арпа, ялтирбош, мастак, ёввойи сули ва оқ итқуноқни мос равишда, 81,3-88,5; 84,6-90,9 % га, пиёз далаларида катта зарар келтирувчи кўп йиллик, илдиэполия ажриқ ва буғдойиқни 65,3-73,9 ва 66,7-77,1 % камайтириб, ушбу бегона ўтларга таркиби оксифлуорфен бўлган Гоал 2Е гербицидига нисбатан самарадорлиги юқори бўлди.

Шунингдек, Селект 120 КЭ гербициди бир йиллик икки паллали бегона ўтларга таъсири камроқ кузатилиб, мос равишда, олабута, ёввойи гултожихўроз, оқшўра, оддий қўйткан ва бурганни 43,1-49,5; 45,3-52,3 % га камайтирганлиги аниқланиб, кўп йиллик икки паллалиларга қўйпечак ва отқулоққа таъсир этмаганлиги қайд этилди.

Тупроққа асосий ишлов бериш шудгорлаш 30-35 см, назорат, гербицидсиз вариантда гербицидлар қўллашдан 30 кун ўтгач бегона ўтлар сони аниқланганда (1-жадвал), бир йилликлар ўртача 1 м²да жами 30,1 донани, кўп йилликлар 7,9 донани ташкил этиб, тупроққа юза (чизеллаш 18-22 см) ишлов берилган, гербицидсиз назорат вариантга нисбатан мос равишда 47,7-3,6 донига кам бўлганлиги аниқланди.